

ГИПС БОГЛОВЧИ АСОСИДАГИ МАТЕРИАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚҰЛЛАНИЛИШ СОХАЛАРИ

Сиддиқов Икромжон Иминжонович

Тошкент архитектура-қурилиш институти “Курилиш материаллари ва кимё” кафедраси доценти, т. ф. н. доцент

Бердалов Бекруз Аҳмад ўғли

Тошкент архитектура-қурилиш институти магистранти

GYPSUM BINDER-BASED MATERIALS AND THEIR AREAS OF APPLICATION

Siddikov Ikromjon Iminjonovich

Tashkent Institute of Architecture and Construction, Department of Building Materials and Chemistry associate professors,

Berdalov Behruz Ahmad oglu

t. f. n. associate professor Master's student of Tashkent Institute of Architecture and Construction

Аннотация: Мақолада гипс боғловчи асосида тайёрланадиган буюмлар ва қоришималар сифатини яхшилаш ҳомашё сарфини камайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, гипснинг камчиликларини бартараф этиш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Аннотация: В статье приведены сведения о путях повышения качества изделий и смесей на основе гипсового вяжущего, снижения расхода сырья, увеличения производства, устранения недостатков гипса.

Annotation: The article provides information on ways to improve the quality of products and mixtures based on gypsum binder, reduce the consumption of raw materials, increase production, eliminate the shortcomings of gypsum.

Калит сўзлар: гипстош, экологик заарсиз, эстрих гипс, гигроскопиклик, юқори ҳароратга бардошли, паст зичлик, иккиламчи маҳсулотлар, анерганик қўшимча, органик пластификаторлар ,ғовак структура, қулай микроиқлим, тез қотиш.

Ключевые слова: гипс, экологически чистый, гипс эстрикс, гигроскопичность, жаростойкость, низкая плотность, вторичные продукты, неорганические добавки, органические пластификаторы, пористая структура, благоприятный микроклимат, быстрое твердение.

Keywords: gypsum, environmentally friendly, estrix gypsum, hygroscopicity, high temperature resistant, low density, secondary products, inorganic additives, organic plasticizers, porous structure, favorable microclimate, fast curing.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида кенг қўламдаги қурилиш-бунёдкорлик, яратувчалик ишлари олиб борилмоқда. Буни сўнгти 4 йилда қурилган аҳоли турар жойларининг ўртача сони аввалги даврдаги қўрсаткичдан 4–5 баравар кўплигига ҳам кўриш мумкин. Бундай тезкор ривожланаётган қурилиш саноатида аҳолини ҳам арzon ҳам экологик тоза қурилиш материаллари билан таъминлаш энг устувор ва долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Геологик нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистон республикаси қуруқ иссиқ иқлим шароитига мансуб хисобланади, шунинг учун аждодларимиз ҳам бино ва иншоотларни қуриш ва пардозлашда асосан ҳавойи боғловчи модда хисобланган гипсдан кенг фойдаланишган. Бундан ташкари мамлакатимиз юқори сифатли гипс боғловчибоп хомашё заҳираларига жуда бой ўлка бўлиб, Ўрта Осиё давлатлари ичидан минерал боғловчи моддалар ишлаб чиқариш бўйича этакчи ўринни эгаллайди. Ҳозирда республикамиизда умумий ҳажми 12 миллион тоннага яқин 25 хил гипсбоп хомашё заҳиралари топилган [1].

Гипс тоши ва у асосида тайёрланган буюмлар қадимдан ҳаммага яхши маълум . Гипс архитектура, медицина ва албатта, қурилишда ҳам ишлатиладиган энг қадими минераллардан бири хисобланади. Қурилиш гипси маҳсулот майда кукун ҳолида бўлиб, у гипстошини, куйдириш ва кейинчалик туйиш (янчиш) орқали олинади. Гипс боғловчилари ишлаб чиқариш усулига кўра паст ва юқори ҳароратда пиширилган турларига бўлинади. Паст ҳароратда пиширилган гипс икки молекула сувли гипс тошини ($\text{CaCO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O} = \text{CaSO}_4 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O} + 1,5\text{H}_2\text{O}$) $110-180^{\circ}\text{C}$ ҳароратда қисман сувини йўқотиш ҳисобига олинади:



Юқори ҳароратда куйдирилган гипс (ангидрит) боғловчиси гипс тошини $600-1000^{\circ}\text{C}$ ҳароратда куйдириб олинади. Бу жараён туфайли гипс тоши таркибидан сув бутунлай чиқиб кетади ва сувсиз калций сулфати (CaSO_4) ҳосил бўлади [2].

Қурилиш гипсидан бино деворлари ва шифтларни сувашда, шу билан бирга – гипсбетон буюмлари , гипсли боғловчи қоришмалар, гипс толали панеллар ва плиталар, пол учун плиталар, девор плиткалари , қуруқ қоришмалар, декоратив архитектура деталлари, гипсли сунъий тошлар, теплоизолацион буюмлар тайёрланади.

Гипсли буюмлар гипс ёки гипс қоришмасини ўзаро мустаҳкам боғлайдиган енгил говакли минерал ёки органик тўлдиргичлар билан қориштириб кейин қотириб олинади[3].

Қурилиш гипсининг афзалликлари

Ҳар қандай қурилиш материалини танлашда ҳал қилувчи асосий омил унинг нархи, фойдаланиш учун қулайлиги ва экологик жиҳатдан инсонга зарарсиз эканлиги ҳисобланади. Жумладан қурилиш гипснинг бир катор ижобий хусусиятларини айтиб ўтишимиз лозим:

Екологик тозалиги. Қурилиш гипси тўлиқ табиий материал, гипоаллергик зарарли моддаларни ўз ичига олмайди. (120°C ҳароратда пишириш натижасида таркибдаги зарарли моддалар куйиб кетади). Хонада қулай микроқлимни яратиш ва сақлашга ёрдам беради [3].

Узоқ муддатли хизмат. Гипсбетон ва блоклардан қурилган бинолар камида 15-20 музлаш-эриш даврига бардош бера олади. Ҳароратнинг кескин ўзгариши кузатилмайдиган, қуруқ иқлим шароитида гипс асосли бинолар ва гипсли маҳсулотлар яхши сақланади. . Гипснинг об-хаво таъсирига чидамлилигини ошириш мақсадида, қоришмага ўсимлик кули, туйилган писта кўмир , ғишт кукуни , оҳак ва бошқалар қўшиб деворлар қуришда, сувоқчилик ҳамда меъморчиликда ишлатилади. Ҳоссаларини яхшилаш учун ҳар хил органик (сувда эрийдиган смолалар) ва анорганик (тошқоллар) қўшилмалар қўшилади [4].

Ёнфинга чидамлилиги . Бу борада қурилиш гипсининг маркалари икки гурухга бўлишимиз мумкин :

Ёнгин таъсирига кам бардошли - буларга қурилиш гипси, қолиплаш гипси ва юқори мустаҳкамлика эга гипс киради.

Юқори ҳароратга бардошли - (1000° С гача) ҳароратларда, эстрих гипс ва ангидрит сementни мисол қилишимиз мумкин. Шунингдек гипс блокларнинг оловбардошлигини ошириш мақсадида юқори мустаҳкамликка эга қурилиш гипсига оғирлиги бўйича 30 % сув 15% майдаланган кул ёки шамот чанги, 4% алюминий оксиди ,2% оҳак ва майдаланган темир диоксиди кўшиш мумкин [4].

Қурилиш гипси табиий минерал бўлғанлиги учун ўз-ўзидан алнга олмайди. $600-700^{\circ}$ С ҳарорат таъсирига узоқ вақт бардош бера олади, сабаби буюм таркибига ютилган намлик олов тарқалишини секинлаштиради.

Кам иссиқлик ўтказувчанлиги. Гипсокартон панеллар таркидаги ғовак структура туфайли уларни хонани иссиқлик изоляцияловчи материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Энгиллиги. Гипс юқори мустаҳкамликка эга бўлишига қарамасдан паст зичликка эга, атиги $1200-1500$ кг / m^3 . Сементдан деярли икки баравар энгилроқ[4]..

Қулайлиги. Боғловчи моддалар орасида гипс энг мақбули ҳисобланади. Уни қазиб олиш осон, қайта ишлаш учун мураккаб ёки юқори энергия талаб қилувчи технологиялар керак емас. Ўрта Осиё хусусан Ўзбекистон ҳудудида этарлича хомашё заҳираси мавжудлиги қурилиш саноатимиз учун янада аҳамиятлидир.

Қурилиш гипсининг камчиликлари

Гипс боғловчининг асосий камчилиги унинг бир зумда қотишидир. Қоришка тайёрланганидан тўрт дақиқа ўтгач қуюқлашиб қота бошлайди. Шу сабаб гипс хамири тайёрлангандан сўнг дарҳол ишлатиш зарур . Гипснинг тез қотишини секинлаштириш учун унга баъзан сувда эрийдиган ҳайвон элимлари, оҳак ёки қотишини секинлаштирувчи кимёвий кушимчалар кўшилади. Қурилиш гипси эгилишга ва намлик таъсирига (гигроскопиклиги) қаршилиги жуда кам , кичик тирналиш ёки зарба гипсдан ясалган буюм ёки панелни бузуб кўйиши мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида гипс қоришка таркибига цељулоза толалар кўшиш мумкин.

Халталарда қадоқланадиган қурилиш гипси учун маҳсус сақлаш ҳароратли, қуруқ хонани талаб қилинади. Маҳсус қопланмаган гипсни намлик ва ифлосланишдан сақлаш зарур. Ҳар ҳолда гипс боғловчисини узоқ муддат сақлаш тавсия этилмайди. Очилган халталар маълум муддат ичида ишлатилиб юборилиши керак акс ҳолда гипс маркасида пасайиш кузатилади.

Аммо бугунги кунга гипс қоришмалар бир қатор камчиликлари сабаб қурилиш саноатидаги ўз ўрнини бошқа материалларга бўшатиб беришига тўғри келмоқда. Хусусан гипсдан тайёрланадиган декоратив архитектура буюмлари намлик таъсирига кам бардошли еканлиги, ташишда синишлар кузатилиши ва маҳсулотга сарф бўладиган меҳнат қиймати кўплиги жиҳатидан ўз ўрнини сунъий полимер (пенопласт) буюмларига бўшатиб берди. Намлик муттасил таъсир қиливчи биноларда гипс материаллари қўлланилиши чекланади.

Гипс ва гипс-сементли боғловчиларининг хусусиятларини яхшилаш мақсадида уларнинг таркибига кремноорганик бирикмаларини кўшиш усули мавжуд. Бу кремноорганик бирикманинг боғловчи таркибига қўшилиши боғловчининг механик мустаҳкамлиги ва совуққа чидамлилигини ошишини таъминлайди. Гипс боғловчи мустаҳкамлигини ошириш учун $60-70^{\circ}\text{C}$ ҳароратда қиздириш мумкин. Бир кг гипс боғловчиси гидратацияси натижасида 133 КДж иссиқлик миқдори ажralиб чиқиши гипсдан маҳсулот тайёрланганда унинг қотишини ва қотишини қисман тезлаштиради.

Сув сарфини камайтириш учун гипс боғловчиси таркибига турли органик пластификаторлар киритиш мумкин

Шунингдек совуққа бардошлилигини ошириш учун боғловчилар таркибига полисилоксан фосфатнинг сувли эритмаси қўшилади (боғловчи таркибига 0,25 - 1% нисбатида) [5].

Гипс асосли буюмларда хомашё сарфини камайтириш мақсадида тўлдирувчи сифатида саноат заводлари кулларидан , иккиласми маҳсулотлардан фойдаланиб мавжуд гипс заҳираларини тежаш усуллари тадбиқ қилинмоқда. Ҳозирда курилиш лабораторияларида гипснинг намликка , юқори ҳарорат таъсирига турли агрессив муҳитларга чидамлилигини ошириш қурилишда ишлатиш соҳаларини кенгайтириш борасида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки биз технологлар олдида турган асосий вазифалардан бири гипс асосида тайёрланаётган буюм қоришималарнинг турли хоссаларини яхшилаш , гипсли қоришка ва буюмларнинг ишлатилиш соҳаларини кенгайтириш, бозорларимизга арzon , экологик тоза, фойдаланиш учун қулай маҳсулотларни этказиб беришдан иборатdir.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. E.Qosimov "Qurilish ashyolari" Mehnat nashriyoti 2004-yil.
2. T.A.Otaqo'ziyev, E.T.Otaqo'ziyev.
3. " Bog`lovchi moddalarning kimyoviy texnologiyasi". Oliy o'quv yurtlari bakalavrleri uchun darslik. Toshkent 2005.
4. E.Qosimov, T. Otaqo'ziyev. Mineral bog`lovchilar va ulardan tayyorlanadigan buyumlar. O'qituvchi, 1984.
5. НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ «АКТУАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ» #8 (11), АПРЕЛЬ '2020. Internet havola: <https://apni.ru/article/671-sposobi-povisheniya-prochnosti-i-vodostojkosti>.
6. 5.Авторы патента: В. И. Храмова, П. П. Будников, Д. А. Каратеев , В. В. Горбушина С04B28/14 - содержащие цементы на основе сульфата кальция
7. <https://findpatent.ru/patent/20/201946.html> . © , 2012-2022

